

10-Мавзу. Туроператорлик фаолиятининг самарадорлигини ошириш йўллари

Режа

- 1. Туроператорлар томонидан маршрутларнинг самарадорлигини ошириш бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказиши**
- 2. Туроператорларнинг маршрутларни ташкил этишдаги хужжатлар ва шартномалар тузишни такомиллаштириш**
- 3. Туроператорлар ишининг самарадорлигини оширишда транспорт воситаларидан унумли фойдаланиш йўллари**
- 4. Замонавий транспорт воситалари имкониятиларини туризмга олиб кириш**

1. Туроператорлар томонидан маршрутларнинг самарадорлигини ошириш бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказиши

Маркетинг тадқиқотлари туристик маршрутлар ва хизматларни янада такомиллаштириш, тарихий ҳудудларда янги объектларни туристик муомала соҳасига киритиш ҳисобига янги йўналишларни шакллантириш бўйича бир қанча умумий хулосалар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.

Ўтказилган маркетинг тадқиқотлари кўра, 2005 йилга қадар бўлган давргача туристик оқимларнинг асосий қисми республиканинг туристик талаб катта бўлган ҳудудлари ва туристик марказлари – Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Фарғона водийсига тўғри келган. Республиканинг Қорақалпоғистон, Оролбўйи каби минтақалари, республика жануби, шу жумладан Термиз туризм соҳасида бой потенциал имкониятларга эга, аммо улар яхши ўзлаштирилмагани ва асосий марказлардан узоқда жойлашгани учун туристик корхоналар лойиҳалаштирилган комплексини ривожлантириш истиқболларига киритилмагандир.


2. Туроператорларнинг маршрутларни ташкил этишдаги ҳужжатлар ва шартномалар тузишни такомиллаштириш


Маршрутларни ишлаб чиқиш кўп босқичли мураккаб жараён бўлиб, анча юқори малакани тақозо этади ва туристик хизматлар кўрсатиш технологиясининг асосий унсури ҳисобланади





Туристтик маршрутни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш босқичлари:

1. Маршрутнинг мўлжалланган трассасидаги туристик ресурсларни тадқиқ қилиш.
2. Туристтик ресурслардан фойдаланиш борасидаги чеклашларни аниқлаш.
3. Мазкур маршрут трассасидаги туристик хизматлар бозори маркетинги.
4. Маршрут турини белгилаш.




5. Маршрутнинг эскиз моделини тузиш.
 6. Йўлларнинг тоифасини ва ҳолатини аниқлаш.
 7. Маршрут трассасини тузиш.
 8. Маршрутни ҳаёт таъминоти пунктларига боғлаш.
- 

9. Маршрутда хавфсизлик схемасина ишлаб чиқиш.
 10. Маршрутдаги тезликлар харитасини ишлаб чиқиш.
 11. Маршрут паспортини ишлаб чиқиш.
- 

12. Паспортни тегишли хизматлар билан келишиш.
 13. Маршрутдан йўловчиларсиз синов тартибида ўтиш.
 14. Синов тартибида ўтишдан кейин маршрут схемасига ўзгартишлар киритиш.
- 

15. Маршрут паспортини тасдиқлаш.

Мазкур таомил вақтда анча узоқ давом этади ва бир неча ойга чўзилади. Агар маршрут буюртма (бир марталик) бўлса, уни тузиш таомили енгиллашади, хавфсизликни таъминлаш тадбирлари бундан мустасно.



Ҳар бир тур учун мўлжалланган технологик ҳужжатлар тўпламига қуйидагилар киритилиши шарт:

- маршрут бўйлаб туристик саёҳатнинг технологик харитаси;
- туристик корхонани маълум вақтда туристларнинг гуруҳлари билан юклаш графиги;
- туристик саёҳат йўлланмасига ахборот варақаси;
- намунавий шаклдаги ТУР-1 «Туристтик йўлланма» бланкалари;
- бронлаштириш варағи;
- миждозлар-туристик агентлар билан тузиладиган шартномаларнинг бланкалари;
- хизматлар кўрсатадиган ҳамкорлар (меҳмонхоналар, транспорт компаниялари, экскурсия бюролари ва ҳ.к.) билан шартномалар;
- тур қиймати калькуляцияси ёки ҳисоби;
- маршрут тавсифи;
- маршрут бўйлаб ҳаракат графиги; маршрутнинг харита-схемаси;
- йўлга оид ахборот матни (автобус турлари учун);
- тур технологик хусусиятларининг тавсифи (буюртмалар бериш, транспортни буюртма қилиш, чипталарни сотиб олиш, экскурсиялар ва меҳмонхона корхоналарида номерларни бронлаштириш муддатлари ҳақида эслатма; буюртмаларнинг бланкалари; маршрут бўйлаб транспорт ҳаракатининг графиклари; тўхташ, кутиш, бошқа транспортга чиқиш жойлари ва б.);

3. Туроператорлар ишининг самарадорлигини оширишда транспорт воситаларидан унумли фойдаланиш йўллари

Бугунги кун туроператори турмаҳсулотни ишлаб чиқишда биринчи навбатда транспорт воситаларининг имкониятларини ҳисобга олади.
У қуйидагиларни ҳисобга олишга мажбур:

Ташриф буюраётган турист учун ҳаво транспортининг қулайлиги

Транспорт харажатларини имкон қадар камайтириш

Туристларнинг қайси транспортдан фойдаланиши юқорилигини аниқлаш

Автомобилларни ижарага берадиган фирмалар имкониятларини ҳисобга олиш

4. Замолавий транспорт воситалари имкониятиларини туризмга олиб кириш

Коинотга саёхатлар буйича ракеталарнинг имкониятларидан фойдаланиш

Денгиз, кўллар, океанлар тубига тушиш буйича батискафларнинг имкониятларидан фойдаланиш

Бориш қийин бўлган жойлар – музликлар, ботқоқликлар, чўққиларга чиқишда энг замонавий сўнги техникалар имкониятларидан фойдаланиш.